



LINGUISTIC AND CULTURAL STUDY OF CRIME IN ENGLISH AND
UZBEK LANGUAGES

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10156701>

Makhliyokhan Makhmudova

*Teacher of Andijan State Institute
of Foreign Languages*

ANNOTATION

The present article is dedicated to the semantic analysis of the concept of "crime" in English and Uzbek. This article also reveals the similarities and dissimilarities between the concept of "crime" in English and Uzbek linguocultures. The main, important features of the criminal lexeme should be called the universal nature of the criminal lexeme, which reflects the objective content of the norms, which puts morality above the interests of a narrow group, ideological or practical ideas, corporativeness.

Keywords: concept, crime, culture, national culture, linguoculturology, socio-cultural reality, values

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЖИНОЯТНИНГ
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИКИ**

Махлиёхон Махмудова Сураатжон қизи

*Андижон давлат чет тиллари институти
ўқитивчиси*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола инглиз ва ўзбек тилларида "жиноят" концептининг семантик таҳлилига бағишланади. Шунингдек, ушбу мақолада "жиноят" концептининг инглиз ва ўзбек лингвомаданиятидаги ўхшашлик ва фарқли жihatлари ҳам очиб берилади. Жиноят лексемасининг асосий, муҳим хусусиятларини ахлоқни тор гуруҳ манфаатларидан, ғоявий ёки амалий фикрлардан, корпоративликдан устун қўядиган жиноят лексемасини меъёрларнинг объектив мазмунини акс эттирувчи умуминсоний табиати деб аташ керак.

Калит сўзлар

концепт, жиноят, маданият, миллий маданият, лингвокультурология, ижтимоий-маданий воқелик, кадрият



Тилнинг концептуал соҳасини ва семантик майдонини белгилаш замонавий тилшунослик учун муҳим ва фундаментал масала бўлиб кўрилади. Кўплаб асар муаллифлари қарашларида бу «оламнинг лисоний манзараси» дея талқин қилинади⁴². Бу манзарада ўзбек тилида «жиноят», инглиз тилида «crime», рус тилида «преступление» концептлари ҳам инсон онги категориясининг асосий тушунчалари сифатида ўрин эгаллайди. Е.М.Микаеляннинг номзодлик диссертацияси маълумоти бўйича, замонавий инглиз тили дискурсида «жиноят» концепти юқори репрезентативлик хусусияти билан характерланади⁴³. Тадқиқотчининг фикрича, замонавий Британия ва Америка оламнинг лисоний манзарасида (демакки, жамиятида ҳам) «жиноят» концепт муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ўзбек жамиятида ҳам жиноят тушунчаси аллақачон халқ онг-у шуурида бошқача аҳамият касб эта бошлаган. Равшанки, Европада жиноий ҳаракатлар, қонунбузарликлар, инсонни ўлдириш, катта объектларни тунаш ёки номусга тегиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Келтирилган мисоллар ўз аксини кинофильмларда ҳам топади. Чунки асарлар ҳам албатта реал воқеликка таяниб яратилади. Шунга қарамадан, буларнинг олдини олиш чора тadbирлари ва тегишли қарорлар кўпайиши натижасида инглиз ва америкаликларни қонунларга қаттиқ риоя қилиши ҳақидаги маълумот ҳам ҳаммага аён. Шунинг учун, оламнинг лисоний манзарасидаги жиноят асосан миллатнинг келиб чиқишига бориб тақалади ва воқелик муайян гуруҳга мос бўлган миллий ва маданий хусусиятлар призмаси негизида ифода этади. Халқнинг яшаш тарзи, ҳатти-ҳаракати, ижтимоий ҳолати, менталитети, ҳаттоки тарихий ўтмиши таъсирида жиноят тушунчасига қарашлари юзага келади, дейишимиз мумкин. Оламни англаш, билиш ва у ҳақида фикр, тушунча, шунингдек, ғояларни ҳосил қилиш, шакллантириш функцияси ёрдамида объектив воқеликни мужассам этган индивидуал ёки жамоавий онг концепт кўринишида универсал тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

В.А.Маслова, И.А.Стернин, З.Д.Попова ва бошқ. фикрига кўра, концепт ядро ва периферия нуқтаи назаридан тавсифланади. Ядрога энг асосий, визуал аниқ, бирламчи, жонли ва аҳамиятли тасвирларга эга бўлган қатламлар кирса, периферияга иккинчи даражали, мавҳум, ассоциатив шаклли ифодалар киради. Асосий ва кўшимча қатламлар ягона негиз-концептда жамланади ва концепт таркиби бойиб боради. «Жиноят» концептида «жиноят» лексемаси ядро бўлиб, у «жиноят» концептини номлаш

⁴²Бабушкин А.П., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика и семасиология. – Воронеж: ОООРитм, 2018. – С.16.

⁴³Микаелян М.Е. Концепт *CRIME* в современной англоязычной картина мира: структурно-репрезентационный и когнитивно-дискурсивный подходы: автореф. дис...канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2010. – С.3.



учун ягона калит вазифасини ўтайди. Лексеманинг синоним ва антоним шакллари «жиноят» концептига тегишли тушунчалар ҳисобланади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «жиноят» лексемаси қуйидагича таърифланади: Жиноят [арабча-айб, гуноҳ; жинойий иш] 1.ҳуқ. Давлат қонунлари билан белгиланган тартибга ҳилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавfli хатти-ҳаракат. *Оғир жиноят. Амалдан фойдаланиб қилинган жиноят. Жиноят устида ушламоқ. 2. кўчма. Ёмон оқибатларга олиб борадиган зарарли хатти-ҳаракат, иш; гуноҳ. Бас сиз билан биз, Тожибой ака, бу ишга раҳбарлик қилиш ўрнига қўл силтар эканмиз, жиноят қилган бўламиз ва бунинг учун халқ олдида жавобгар бўламиз*⁴⁴.

Демак, «жиноят» лексемаси иккиёклама тушунилади. Бири юридик жиҳатдан бўлса, иккинчиси миллий маданий томондан таҳлил қилинади. Биринчи таърифга биноан «жиноят» сўзи ҳуқуқ, суд, суд ҳукми, жазо, айблов, ижро, қонун ҳужжатлари, ноқонуний, кодекс, қонунбузарлик, маҳкум, адолат, жабрланувчи, айбдор шахс каби вербализаторлар билан боғлиқ.

Инглиз тилида «crime» сўзи «Macmillan English Dictionary»да шундай таърифланади:

1. An illegal activity or action: commit a crime (=do something illegal) *She was unaware that she had committed a crime.*

2. Something that is morally wrong or a mistake: be a crime to do sth. *It would be a crime to waste all that food*⁴⁵.

«ABBYU LINGVO x5» электрон луғатида «crime» сўзи *transgression, offence, violation, delinquency, criminality, sin, wrongdoing* сўзлари билан ифодаланади ва қуйидаги таърифлар берилади:

1. noun

a) an action or omission which constitutes an offence and is punishable by law

b) illegal activities

c) an action or activity considered to be evil, shameful, or wrong.

2. verb [with obj.] (especially in the army) charge with or find guilty of an offence⁴⁶.

«Crime» сўзининг этимологиясига юзлансак, «Collins Etymological Dictionary» бўйича, лотин тилидаги *crimen* сўзидан олинган бўлиб, *a charge*

⁴⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ М.Мадвалиев таҳрири остида. 5 жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Ж-харфи, 2006-2008. – Б. 92.

⁴⁵Macmillan EnglishDictionaryforAdvanced Learners. – London. United Kingdom: Macmillan Publishers Limited, New Edition, 2007. – P.349.

⁴⁶ABBYU Lingvo x5 English-English. 2011. Электрон луғат.



маъносини англатади⁴⁷. «**Oxford Etymological Dictionary**»да ҳам XIII асрнинг ўрталарида қадимий Француз тили орқали латин тилидан олинганини таъкидлайди: via Old French from Latin *crimen* 'judgement, offence', based on *cernere* 'to judge'⁴⁸. Яна бир «**Online Etymology Dictionary**»да уни *Sin* сўзи билан боғлайди: «sinfulness, infraction of laws of God,» from Old French *crimne* «crime mortal sin» (12 с., Modern French *crime*), from Latin *crimen* (genitive *criminis* «charge, indictment, accusation; crime, fault, offence,» which probably is from *cernere* «to decide, to sift»(from PIE root *krei-*» to sieve», thus «discriminate, distinguish»)⁴⁹.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abdumajidov G'. A. and others. Criminalistics: a textbook for higher educational institutions. - Tashkent: "Adolat", 2003. - 266 p.
2. Abdurahmonov G', Mamajonov S. Uzbek language and literature. - Tashkent: Uzbekistan, 2002. - 352 p.
3. Avamileva Kh.D. "Jargon", "Argo", "Slang": K voprosu o terminax // Formirovanie professionalnyi kometnosti filologa polykulturnoy obrazovatelnoy srede. Material II Mejdunarodnoy scientific and practical conference. Evpatoria, 2019. - P.1-7.
4. Askoldov S.A. Koncept i slovo//Russkaya slovesnost: Ot teorii slovesnosti k strukture teksta: Anthology. - M.: Yazyki slavyanskoy kultury, 1997. - P.267-280.
5. Ashurova D.U. Razvitie kognitivnyi lingvistiki v Uzbekistane//Foreign philology: Language, education, literature. - No. 3, 2016. - P.54-60.
6. Babushkin A.P. Typy concepts and lexical-phraseological semantic language. -Voronezh: Izd-vo Voronezh, un-ta, 1996. -104 p.
7. Babushkin A.P., Sternin I.A. Cognitive linguistics and semasiology. - Voronezh: OOO Ritm, 2018. - 229 p.
8. Bakhronova D. Concept and conceptsphere in the description of the linguistic landscape of the world. - Samarkand State Institute of Foreign Languages. Foreign philology: Language, literature, education, 2019. - #3(72). - B.62-68.

⁴⁷Collins Etymological Dictionary. –London and Glasgow: Collin’s Clear-type Press, 2016. – P.88.

⁴⁸Oxford Concise Dictionary of English Etymology. –Oxford New York: Oxford University Press, 1996. – P.104.

⁴⁹Online Etymology Dictionary.<http://www.etymonline.com/word/crime>. Мурожаат санаси (30.08.2020.)